# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 4 май, № 93 (7873) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнига оид тақдимот билан танишди.**

Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақага спортчиларимизни тайёрлаш учун кенг шароит яратилган эди. Юқори малакали мутахассислар жалб қилиниб, юзлаб ўқув-машғулотлар ташкил этилди. Бугунги кунгача спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларига 41 та, Паралимпия ўйинларига 16 та йўлланма олган.

Тақдимотда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати танқид қилиниб, қониқарсиз деб баҳоланди. Май — июль ойларидаги мусобақаларда яна йўлланмаларни қўлга киритиш учун спортчилар ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Спортчиларга хизматларни кучайтириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Федерациялар фаолиятини такомиллаштириб, жалб қилинган малакали спорт менежерлари билан бирга олимпиадачиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини яхшилаш учун ҳар бир спорт тури бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

Брифинг

## МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА ВА ТАДБИРЛАР РИВОЖИ

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг навбатдаги брифинги ташкил этилди.*

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган ҳамда жорий ҳафта кутилаётган расмий тадбирлар ҳақида журналистларга маълумот берди.

Қайд этилганидек, ўтган ҳафтадаги воқеалар аввалгилардан-да кўп ва сермазмун бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича тақдимот билан танишиб, аҳолига ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш, бунинг учун, аввало, ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди. Брифингда таъкидланганидек, бу йил ҳам кўплаб тураржойлар қурилиб, эски уйларнинг коммунал тармоқларини таъмирлашга катта маблағ ажратилади.

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари бўйича йиғилиш ҳам таҳлилий руҳда ўтказилгани айтилди. Маълумки, бу зоналарда юзлаб корхоналар фаолият юритяпти. Улар учун ажратилган ерларнинг бир қисми бўш, ҳали лойиҳалар жойлаштирилмаган. Шу боис Президентимиз ушбу майдонларга қўшимча электр, газ, сув тармоқлари тортиш, йўл қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Бунинг учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ йўналтириладиган бўлди.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилиб, ўзаро суҳбатда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, пандемия шароитига қарамасдан, жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 33 фоизга ўсгани қайд этилди. Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари Туркманистонга ташриф буюриб, Президент Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашди. Шунингдек, Тожикистон билан Қирғизистон чегарасида вазият кескинлашгани сабабли Юртбошимиз яқин қўшни ва қардош сифатида Қирғизистон ҳамда Тожикистон Президентлари билан доимий мулоқотда бўлиб турди, барча баҳсли масалаларни дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик руҳида, конструктив ҳамда ишончга асосланган мулоқот орқали биргаликда ҳал қилишга чақирди.

➡ 2

Фракцияларда

## ҚИЗҒИН МУНОЗАРАЛАР, КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларда бир қатор долзарб ўзгаришларни назарда тутаётган қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Айрим янгиликлар жамоат тартибини сақлаш масалаларига оид бўлса, айримлари тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга дахлдор. Ҳар бир фракция ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклифларини илгари сурди.*

### Дастлаб маъмурий, сўнгра жиноий жавобгарлик таклиф этилмоқда

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар томонидан кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш муносабати билан бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни сифатли қўллашни таъминлаш, мансабдор шахсларнинг МҲХСни жорий этишда жавобгарлигини ошириш, молиявий ҳисоботни эълон қилиш муддатларини қисқартириш ва молиявий ҳисоботни ўз вақтида тайёрлаш ҳамда эълон қилишга олиб келади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Маълум қилинишича, ўрганишлар амалдаги қонунчиликда кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қилмишларни малакалашда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бугунги кунда таъсири кучли моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жавобгарлик Жиноят кодексининг турли моддаларида назарда тутилган.

➡ 2

Ҳафталик

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ” миллий медиа дастури доирасида ташкил этилган Ёшлар медиа ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

## ЁШЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРГАН УЧРАШУВЛАР

Тадбирни ўтказишдан бош мақсад — мамлакатимиздаги иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар, юз бераётган ижобий ўзгаришларни оммавий-ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда фаол ва холис ёритишда ёшлар иштирокини кучайтириш, шунингдек, юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, YUNESKO ишлари бўйича комиссия, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари матбуот хизматлари раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳакимов сўзга чиқиб, йиғилганларни 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни ҳамда медиа ҳафталик билан қутлади.

Тадбир доирасида махсус учрашувлар ва маҳорат дарслари, “Янги Замон” ахборот-таҳлилий дастури янги павильонининг очилиш маросими, “Янги Ўзбекистон — янги медиа. Муваффақият сири” мавзуида мамлакатнинг таниқли журналистлари ҳамда медиа экспертлари иштирокида очиқ мулоқот, тренинглар, “Шум бола — 2021” халқаро кинофестиваллари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Медиа ҳафталик тадбирлари 7 майга қадар давом этади.

**«Халқ сўзи».**

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

## ТИНЧЛИКПАРВАР ЎЗБЕКИСТОН

### МИНТАҚА ТАҚДИРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

*“Соғлом фикр ғалабаси, дипломатик ғалаба”. Бундан 55 йил аввал Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган музокаралар ва улар натижасида имзоланган ҳужжат — Тошкент декларациясига ана шундай баҳо берилган эди. Ўшанда эришилган келишув иккинчи Ҳиндистон — Покистон урушига нуқта қўйган ва улкан минтақада тинчлик ўрнатилган эди. Томонлар жанговар ҳаракатларни тўхтатишиб, қўшинларини можародан аввалги позицияларига қайтаришган, дипломатик муносабатларни тиклаган эдилар.*



Дарҳақиқат, Тошкентнинг тинчлик жараёнидаги роли улкан. У томонларнинг етакчиларига музокара майдони бўлиб хизмат қилган ва мулоқот учун шароит яратиб берган. Ва бу саъй-ҳаракатлар муваффақиятга олиб келган.

Замонавий Ўзбекистонда эса ушбу тажриба Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати туфайли янгича мазмун касб этди. Мамлакатимиз Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда, бутун минтақа бўйлаб можароли вазиятларни тартибга солишда энг муҳим ташаббускор бўлмоқда.

### Асосли, тизимли ва жадал ҳамкорлик

***“Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти бўлиб сайланганидан кейин ушбу мамлакат сиёсатида чинакам янги эра бошланишини ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган эди”,*** деб ёзади Теҳрон университети профессори, Евроосиё бўйича мутахассис Баҳрам Амираҳмадиан Эроннинг “Shargh” нашридаги мақоласида.

Эксперт сўз юритаётган янги эра одатда инқилобий ларза билан бирга кечади. Ўзбекистонда эса инқилобий тус олгани ислоҳотлар бўлди. Дунё сари очилган республика ўз ташқи сиёсатида устуворлик касб этган жиҳатларни белгилаб олди. Биринчи галда бу қўшни мамлакатлар билан муносабат эди.

Ислоҳотларнинг беш йиллик дастури бўлган Ҳаракатлар стратегияси шундай пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни рўёбга чиқариш вазифасини қўйдики, у давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ҳамда яхши қўшничилик камарини яратиш, унинг халқаро имижини яхшилашга йўналтирилгандир.

➡ 2

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЭЪТИРОФИ

*Пойтахтимизда журналистика соҳасидаги “Олтин қалам” XV миллий мукофоти ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.*

Танлов




Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда журналистика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинаётган ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилиб, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ҳамда янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, шу билан бирга, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга аҳоли ҳамда масъул идоралар эътиборини қаратишига имкон яратмоқда.

Бугун мамлакатимизда 1,8 мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 60 фоиздан зиёдини нодавлат медиа тузилмалар ташкил этади. Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган веб-сайтлар сони 630 тага етди.

➡ 3

## «ТОЖИКЛАР ТАРИХ КЎЗГУСИДА»

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 3 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг ўзбек тилида чоп этилган “Тожиклар тарих кўзгусида” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Тожикистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тақдимот маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Тожик халқи ҳаётининг барча жиҳатини ўзида мужассам этган мазкур китоб ўзбек тилига таржима қилингани халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

➡ 3

Муносабат

## АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ЭРИШИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг аксарият мамлакатлари учун ҳам бандлик масаласи ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Шу сабабли кейинги йилларда юртимизда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш доимий эътибор марказида. Яъни одамларни ишли қилишнинг замонавий ечимларини топиш чоралари кўрилмоқда.*

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди, бунинг учун, аввало, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш, мавжудларини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш керак бўлади.

Президентимизнинг шу йил 28 апрелдаги “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу ҳужжатда аҳоли бандлигини таъминлашга асосан, ёшлар ҳамда хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлашга кенг урғу берилган. Оддий айтганда, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида ишсизлар, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигига эришиш юзасидан янги таъсирчан механизмлар жорий этилади. Янги иш ўрни очмоқчи бўлаётган тадбиркорлик субъектлари янада қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

➡ 3

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

# УЙ-ЖОЙ ОЛИШДАГИ ИМТИЁЗЛАР БАТАФСИЛ ТУШУНТИРИЛДИ

*Аҳоли сони ўсиши билан табиийки, уй-жойга эҳтиёж ҳам ошади. Шу сабабли мамлакатимизда бу борада узоқни кўзлаб, оқилона сиёсат олиб борилди. Эришилган ютуқлар ўзимизники, энди бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим. Чунки уйга эҳтиёжи бор оилалар ҳали ҳам кўп. Сайловчилар билан учрашувлар чоғида бу масалада ҳам мурожаатлар бўлмоқда.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Одинахон Отахонова Андижон вилоятидаги учрашувлар доирасида вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Рустамбек Хожибоев, Шаҳрихон тумани ҳокими Ҳикматулло Дадахонов билан биргаликда тумандаги ипотека кредитлари асосида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар билан танишди.

Мулоқот давомида уй-жойлар қурилиши учун давлат томонидан аҳоли ва қурувчиларга катта имтиёзлар берилаётгани, жумладан, жорий йилда ипотека кредити бўйича 6 ойлик имтиёзли давр киритилиши, паст даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 15 фоизлик дастлабки бадалнинг 10 фоизи субсидия сифатида тўлаб берилиши айтиб ўтилди.

— Тўғри, кейинги йилларда вилоятда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича барча чора кўриляпти. Лекин қурилаётган уй-жойларнинг нархи қиммат, кўпчилик фуқароларимиз бу уйларни ололмайди, — деди депутат О. Отахонова. — Шу боис ҳозир ана шундай оилаларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш мақсадида давлатимиз томонидан аҳолига қатор қулайлик ва имтиёзлар яратиляпти. Хусусан, оғир турмуш шароитидаги оилаларни ижтимоий ижара асосида уй билан таъминлаш мақсадида ҳудудларга мингта квартира сотиб олиш учун маблағ ажратиляпти.

Халқ вакили Шаҳрихон тумани марказий йўл бўйида қад ростлаётган "Ҳунармандлар маркази"да олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди. Бу соҳа орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ҳамда кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутат "Халқпарвар комиссия" билан биргаликда "Муллавой" МФЙда яшовчи уй-жойга муҳтож фуқаролар хонадонида бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари билан танишди. Юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу маҳаллада яшовчи Нўъмонжон Ғозиевга ногиронлик аравачаси топширилди.

Депутат О. Отахонова шунингдек, Шаҳрихон туманининг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, "темир дафтар"га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган оилалар ҳолидан хабар олди. 10 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

# МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ МУРОЖААТИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ботирбек Тўразода Хоразм вилоятидаги учрашувлари давомида Боғот туманида томорқа майдонларидан унумли фойдаланиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан агротехник тадбирларнинг олиб борилиши билан танишди.*

Халқ вакили дастлаб "Маънавият" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳоли хонадонларида имтиёзли кредит ҳисобига тикланган иссиқхоналар фаолиятини кўздан кечирди. Хонадон эгаларига яқинда қабул қилинган "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, иссиқхона ташкил этиш ҳаракатида юрган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Кейинги манзил — тумандаги "Соҳибкор" МФЙ бўлди. Мазкур маҳаллада ҳам томорқасидан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад олиб келаётган омилкорлар кўп. Ҳудуд аҳли, асосан, бодринг, помидор ва рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотлар етиштиради, ортганини бозорга чиқаради.

Учрашувлар давомида халқ вакили кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олди, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

Навбатдаги учрашувлар Боғот туманидаги "Оқ Олтин" МФЙда давом этди.

Аҳоли хонадонларида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида ўз ҳовлисида экин-тикин қилишга имконияти йўқ фуқароларга ҳудудларда ташкил этилган "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти яқиндан ёрдам бериб, томорқага экин экиб, олинган ҳосилни харидорга етказгунига қадар кўмакдош бўлиб келаётгани айтилди.

Суҳбат жараёнида маҳалла фаоллари томорқада экин-тикин қилишда сув тақчиллиги, минерал ўғитлар етишмаслигини билдирди. Халқ вакили мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда бу масалани жойида ижобий ҳал этди.

Депутат, шунингдек, тумандаги "Усталар" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб, аҳолининг томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганди, томорқачилар билан юзма-юз мулоқот қилди.

Кам таъминланган оилаларга помидор, булғор қалампири кўчатлари ва минерал ўғитлар тарқатилди. Ўз томорқасидан самарасиз фойдаланаётган фуқароларга йўл-йўриқлар кўрсатилди.

**«Халқ сўзи».**

# «ТОЖИКЛАР ТАРИХ КЎЗГУСИДА»

1

Таъкидлаш лозимки, икки халқнинг минг йилларга бориб тақалувчи адабиёт, маданият, савдо-иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан ва турмуш тарзига оид алоқалари сўнгги йилларда янги босқичга чиқди. Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашув ва мулоқотларида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилмоқда.

Тақдимотда муштарак тарихимизни ўрганишда мазкур асарнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Китобни ўзбек тилига таржима қилишда ўз ҳиссасини қўшган филология фанлари доктори Жаъфар Холмўминов тожик халқининг турли даврларга оид тарихидан ҳикоя қилувчи мазкур асар ёзилишида 300 га яқин манбалардан фойдаланилганини таъкидлади. Бу эса тарихийлик, воқелик, илмийлик ва холислик нуқтаи назаридан китобнинг қимматини янада оширади.

Мамлакатимизда ўз дипломатик миссиясини якунлаётган Тожикистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Содиқ Имомий тожик ва ўзбек халқларининг самимий дўстлиги ва бирордарлиги давлатлараро яхши қўшничилик муносабатларига намуна бўлаётганини таъкидлади.

— Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг китоби ўзбек тилида нашр этилиши катта воқеадир. Муаллиф мазкур китобда тожик халқининг уч ярим минг йиллик тарихий йўлларини очиб берган. Китоб дастлаб 1999 йилда нашр қилинган. Халқимиз тарихини тўла намойиш этадиган мазкур асар шу пайтгача инглиз, рус, араб ва қозоқ тилларига таржима қилинган. Ишонаманки, асарнинг ўзбек ўқувчиларига тақдим этилиши халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди у.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тез суръатларда ривожланмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур китоб Ўзбекистон ва Тожикистоннинг муштарак саъй-ҳаракатлари ва интилишларини икки халқ манфаати йўлида янада мустаҳкамлашда муҳим манбадир.

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯШИЛ ОЛАМНИ ЎЗ ҲОЛИДА САҚЛАБ ҚОЛИШ

## ҲАР БИРИМИЗДАН КАТТА КУЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ

*Дарахт, гул, бута кўчатларини экиш, ён-атрофни кўкаламзорлаштириш, хуллас, ўзимиз яшаб турган манзилни обод гўшага айлантириш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган. Шу боис кейинги даврда бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам янги босқичга чиқди. Хусусан, "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони билан 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабрга қадар давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари кесилишининг олдини олиш, уларни сақлаб қолиш мақсадида мораторий жорий этилдики, бу амалиётда қандай самара бергани кўпчиликка маълум.*

### Фикр

Мораторий даврида 5,6 мингтадан зиёд жисмоний ва юридик шахслар 258 мингга яқин давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ҳамда буталарни кесишга рухсат сўраб мурожаат қилган. Уларнинг аксарияти кесилиши рад этилиб, сақлаб қолингани эътиборга молик. Шунингдек, экологик назорат тадбирлари натижасида 4,4 мингта ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жами 6,8 минг туп дарахт, шундан 3,7 минг тупдан ортиқ қимматбаҳо дарахтлар ноқонуний кесилганлиги учун 3 минг 613 та ҳолат бўйича мансабдор шахс ва фуқароларга 4,6 миллиард сўм жарима солинган ҳамда 15,3 миллиард сўмлик зарар аниқланган.

Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида атрофлича маълумот берилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Мақсудовнинг мамлакатда дарахтлар ҳамда буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдик.

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётган ноқонуний кесилаётган дарахтлар, бу бўйича фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини ошириш айни заруратдир. Шу маънода, жамоатчилик, ОАВ вакиллари ҳамда блогерларнинг таклифлари эътиборга олиниб, мораторий муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, муайян хато ва камчиликлар учраётганини ҳам тан олмасдан илож йўқ. Дарахт ҳамда буталар қониқарсиз даражада экилгани, уларни парвариш қилиш, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоялаш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги боис кўплари қуриб қолмоқда. Қолаверса, ҳудудларда қурилиш, коммуникация ҳамда реконструкция фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда дарахт ва буталарни кесиш кўпайиб бораётгани ҳам ачинарлидир.

Хўш, вазият шундай экан, Давлат экология қўмитаси томонидан қандай чоралар кўриляпти? Аввало, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ҳамда буталарнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу қўмита томонидан "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилганлигини айтиш жоиз.

Ушбу ҳужжатнинг низомида дарахт ҳамда буталарни сақлаш, кўчириб ўтқазиш, компенсациявий экиш механизми ва шартини бугунги кун талаби асосида такомиллаштириш кўзда тутилган. Унга кўра, агар объектни қуриш ҳамда лойиҳалашда дарахт ва буталарни кесиш зарурияти юзага келиб қолса, уларни сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора ва талаблари белгиланади. Сақлаб қолиш имкони бўлмаганда эса улар бошқа жойга кўчириб экилади.

Яшил оламни сақлаб қолиш учун қандай қатъий чоралар белгилангани ҳам эътиборлидир. Яъни сал илгарироқ қайд этилган ҳужжат билан ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида қимматлилиги жиҳатидан кам бўлмаган, 10 туп йирик ўлчамли кўчат экиш, уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса уч йил давомида парваришлаш шарти билан 100 туп кўчат ўтқазиш мажбурияти белгиланган.

Бундан ташқари, жамоат назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарни бошқа жойга кўчириш ёки компенсациявий экиш шарти билан дарахт ҳамда буталарни кесишга рухсат бериш тўғрисидаги қарор лойиҳасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда кўриб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари жамоатчиликни хабардор қилиш учун ўзининг интернет тармоғидаги расмий сайти, зарур ҳолларда эса бошқа оммавий ахборот воситаларида дарахтлар кесилиши режалаштирилганлиги тўғрисида эълон бериб боради.

Кўриниб турибдики, яшил оламни сақлаб қолиш борасида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилмоқда, олдимиздаги вазифалар эса янада кўламли. Шу маънода, яшил оламни ўз ҳолида сақлаб қолиш, керак бўлса, уни янада бойитиш ҳар биримиздан, шу жумладан, биз, сенаторлардан ҳам катта куч ва масъулият талаб этади.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ЭРИШИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

1

Ушбу Давлат дастури доирасида бандликни таъминлаш бўйича меҳнат бозорида қатор янгиликлар киритилмоқда. Хусусан, вақтинча ишлар билан банд бўлган аҳолининг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш учун янги тизим яратиляпти. Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюролари "кунлик меҳнат марказлари" сифатида қайта йўлга қўйилмоқда.

Мазкур марказлар томонидан вақтинча ишларни бажарувчи шахслар уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар, иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинади, фуқаролар бандлиги ва меҳнат сифати яхшиланиши таъминланади.

Эътиборлиси, марказлар фаолияти орқали иш изловчиларни рўйхатга киритиш ва уларни вақтинча ишга ёллаш бўйича буюртмалар олиш, бўш иш ўринлари билан танишиш имконияти туғилади. Қолаверса, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, иш берувчи ва иш изловчи ўртасида мулоқот қилиш учун майдон вужудга келади.

Айниқса, тўғридан-тўғри бориб ишлашга шароити чекланган шахслар, болали аёлларга ва ногиронлиги бўлганларга "барча учун иш" тамойили асосида янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Жумладан, вақтинча ишсиз кишиларга масофадан туриб бажариладиган, уйда қилинадиган ишлар, масалан, касаначилик, фрилансерлик фаолияти тавсия этиб борилади. Меҳнат бозорида ушбу ташкилий тузилмаларнинг асосий мақсади ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни ҳамда аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлашдан иборат.

Умуман, давлатимиз раҳбари қарори асосида қабул қилинаётган дастур аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий ечимларига қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, мазкур Давлат дастури мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий муҳитни юзага келтириш имконини беради.

**Арзиқул СОАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЭЪТИРОФИ



1

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ўтказилаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танлов юртимиз журналистикасини янада ривожлантириш, ижодкорларни ўз устида ишлашга даъват этмоқда.

Бу йилги танловда 430 га яқин журналистлар уч мингдан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди. Ғолиб ва совриндорларни аниқлаш, яъни якуний хулосага келишда танлов низомида белгиланганидек, уюшма сайтида амалга оширилган баҳолаш натижаларига ҳам таянилди.

Бош мукофотга "Янги Ўзбекистон" газетаси ҳамда "Дунё" ахборот агентлиги муносиб топилди. Уларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Беҳзод Мусаев топширди.

Тадбирда танловнинг барча номинациялари бўйича ғолибларга махсус статуэтка, диплом ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Қувонарлиси, ғолиблар қаторида таҳририятимиз аъзолари ҳам бор. Танловнинг матбуот йўналишида "Народное слово" газетаси мухбири Сергей Левченко 2-ўринга муносиб топилган бўлса, миллий ҳамкор ташкилотлар томонидан "Халқ сўзи" газетаси мухбири Саиджон Махсумов Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини энг яхши ёритган журналист сифатида тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар.

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**I. Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот:**

**"Янги Ўзбекистон" газетаси** — Бош муҳаррир: Салим Дониёров. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотлар самаралари кенг ёритилгани, газетада эълон қилинган долзарб, таҳлилий-танқидий руҳдаги материаллар жамоатчилик эътиборини қозонгани учун.

**"Дунё" ахборот агентлиги** — Директор: Садриддин Суяров. Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини кенг ёритишга, халқаро ҳаётда мамлакатимиз имижини оширишга қўшиб келаётган ҳиссаси учун.

**II. Асосий номинациялар**
**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

**1-ўрин: Улуғбек Раҳмонқулов** — "O'zbekiston 24" телеканали "Таҳлилнома" ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими бош муҳаррири. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараларига бағишланган туркум ахборот-таҳлилий дастурлари, махсус репортажлари учун.

**2-ўрин:**

**1. Жахонгирхон Олимов** — "Sevimli" телеканали муҳаррири. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ кенг кўламли ишлар ёритилган теледастурлари учун;

**2. Тухтатош Мамадалиева** — Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири. Ҳудудларда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараларини қиёсий ёндашувлар асосида очиб берган "Биз томонларда" номли туркум кўрсатувлари учун.

**3-ўрин:**

**1. Гулмира Мусажонова** — "Madaniyat va ma`rifat" телеканали катта муҳаррири. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мавзуларидаги туркум кўрсатувлари учун;

**2. Сардор Собиров** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси, Халқаро пресс-клуб аъзоси. Юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларни қўллаб-қувватлаш мавзуида "Халқаро пресс-клуб"да тайёрланган туркум телемаҳсулотлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

**1-ўрин: Наргиза Кулматова** — "Poytaxt-Inform" радиоканали муҳаррири. "O'zbekiston online" информацион дастурларига тайёрланган репортажлари, тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар ва амалий тавсияларга бой "Соғлом ҳаёт" дастури учун.

**2-ўрин**: **Артикгул Аимбетова** — ЎзМТРК Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси бош муҳаррир ўринбосари. "Илим раужланыу тиреги", "Мамлекетлик багдарлама харекети", "Махалла баслыгы — реформатор" дастурлари ва эшиттиришлари учун.

**3-ўрин:**

**1. Нафосат Турсунбоева** — Жиззах вилояти телерадиокомпанияси мухбири. Республикамиздаги турли масканлар ва дилкаш инсонлар ҳақидаги "Мафтункор диёр" номли эшиттиришлар туркуми учун;

**2. Нозима Тошпўлатова** — "O'zbekiston 24" телеканали катта муҳаррири. "Меҳр" операциясига бағишланган туркум материаллари, "Муҳим мавзу" ва "Фикрлар майдони" эшиттиришлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (матбуот)**

**1-ўрин:**

**1. "Hurriyat" газетаси жамоаси** — Бош муҳаррир: Абдурасул Жумақулов. Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш йўлидаги долзарб, таҳлилий, танқидий руҳдаги материаллари учун;

**2. "Ma'rifat" газетаси жамоаси** — Бош муҳаррир: Ҳусан Нишонов. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, самаралари, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялашга қаратилган таҳлилий материаллари учун.

**2-ўрин: Сергей Левченко** — "Народное слово" газетаси мухбири. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга оид танқидий-таҳлилий, долзарб туркум мақолалари учун.

**3-ўрин: "Ёшлик" журнали таҳририяти** — Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Нурилло Чориев. "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" мақсад-вазифалари ва ёшларга оид давлат сиёсати самаралари кенг ёритилган материаллари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика)**

**1-ўрин: Аброр Зоҳидов** — "kun.uz" интернет сайти мухбири. Интернет тармоғида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотлар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун.

**2-ўрин: Абдужалол Тайпатов** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА бош муҳаррири. Ижтимоий-маънавий мавзулардаги материаллари учун.

**3-ўрин: Олия Таишева** — "Nuz.uz" интернет нашри мухбири. Долзарб мавзулардаги танқидий-таҳлилий материаллари учун.

**"Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси:**

**1-ўрин:**

**Рузубай Акурен/Ruzubay Akoren (Туркия Республикаси)** — "Business Turk" журнали бош муҳаррири. Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини Туркияда кенг ва таҳлилий ёритиб келаётгани ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожига қўшаётган ҳиссаси учун.

**2-ўрин:**

**1. Атобек Ғоибов (Тожикистон Республикаси)** — Тожикистон Республикаси ҳукумати қошидаги Телевидение ва Радио қўмитаси "Овози тожик" радиоси ўзбек бўлими катта муҳаррири. Ўзбек — тожик маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқаларини тарғиб этувчи кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари ва мақолалари учун.

**2. Биргит Ветцель (Германия Федератив Республикаси)** — "NDR" телерадиокомпанияси, "Deutschlandfunk" радиостанцияси ва "Zentralasien-Analysen" журналининг Марказий Осиё бўйича иқтисодий эксперти. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган материаллари учун.

**3. Дилшода Раҳматова (Россия Федерацияси)** — "Sputnik" ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири. Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик муносабатлар ҳақидаги материаллари учун.

**4. Жасин Биркенов (Қозоғистон Республикаси)** — "Хабар" телеканали бош муҳаррири. Мўйноқда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистонда пандемия даврида аҳолига кўрсатилаётган кўмак, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларига бағишланган туркум репортажлари учун.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар**
**Инсон ҳуқуқлари мавзуидаги энг яхши материал учун:**

**Равшанбой Шодиев** — "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва суд-ҳуқуқ мавзуидаги материаллари учун.

"**Энг яхши фоторепортаж учун" номинацияси**:

**Оқил Гулямов** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Фотоахборот таҳририяти фотомухбири. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб воқеалар таҳлилий ёритилган фотоматериаллари учун.

**"Энг яхши матбуот хизмати" номинацияси:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизмати. Агентлик Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи — директорнинг матбуот котиби — **Севара Зокирова.** Агентлик фаолияти ошкоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун.

## "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов доирасида миллий ва халқаро ҳамкорлар номинациялари

**МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси:**

*"Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши материал учун" (босма ОАВ, телевидение, интернет йўналишлари бўйича)*

1. **Рустам Жабборов** — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бош директорининг ижодий ишлар бўйича ўринбосари;
2. **Зиёда Арслонова** — Қашқадарё вилояти;
3. **Илёс Сафаров** — "kun.uz" интернет сайти мухбири;
4. **Жалолиддин Мирзаев** — "БизТВ" онлайн телеканали.

**2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:**

"*Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини энг яхши ёритгани учун" (матбуот, телевидение ва интернет-журналистика йўналишларида)*

1. **Меҳрожиддин Дархонов** — "O'zbekiston 24" телеканали мухбири;
2. **Саиджон Махсумов** – "Халқ сўзи" газетаси мухбири;
3. **Жамшид Ниёзов** — "kun.uz" интернет сайти мухбири.

**3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:**

*"Сувни тежайдиган технологияларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши материал учун"*

**Ўрол Пардаев** — "Ўзбекистон" радиоканали сиёсий шарҳловчиси.

**4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:**

*"Энергия самарадорлиги — замонавий энергетика соҳасини ривожлантириш локомотиви" мавзуига бағишланган энг яхши материал учун*

**Ихтиёржон Сиддиқов** — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот маркази "Замон" ахборот-таҳлилий дастури лойиҳаси мухбири.

**5. "ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани" МЧЖ:**

*"Инвестиция — нефть ва газ соҳасини ривожлантиришнинг асосий механизми" мавзуига бағишланган энг яхши материал учун*

**Обид Шабанов** — Бухоро вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳаррири.

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР**

**6. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси:**

*1. "COVID-19 нинг Ўзбекистонга таъсири" мавзуидаги энг яхши материал учун;*

**Санжар Эшмуродов** — "Hamshira" журнали адабий ходими;

*2. "Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ меъёрларининг имплементацияси"*

**Анора Содиқова** — "Рост-24.уз" янгиликлар сайти муҳаррири.

**7. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти:**

*"Терроризмга олиб борувчи зўравонлик экстремизми, радикаллаштиришнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар ёритилган энг яхши материал учун"*

**Наргиза Юнусова** — "human.uz" сайти мухбири.

**8. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси:**

1. "*Хитой — Ўзбекистон икки томонлама ҳамкорлигининг самаралари ҳақидаги энг яхши материал учун"*

**Наргис Қосимова** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти;

2. *"Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун"*

**Абдували Сайбназаров** — "Ўзбекистон-24" радиоканали шарҳловчиси.

**9. Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси:**

*"АҚШ — Ўзбекистон дипломатик муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун"*

**Беруний Алимов** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти;

**Абдулло Абдулбоқиев** — "Ньюс.уз" сайти мухбири.

**10. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси:**

*1. "Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун"*

**Фарида Эгамбердиева** — "Даракчи.уз" сайти мухбири;

*2. "Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун"*

**Шарофиддин Тўлаганов** — "Ўзбекистон-24" радиоканали шарҳловчиси.

*3. "Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун"*

**Собиржон Ёқубов** — "Хабар.уз" сайти мухбири

**11. Германия Ташқи ишлар вазирлигининг "Яшил Марказий Осиё" дастури:**

*"Иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон экологиясига таъсири масалалари бўйича энг яхши материал учун"*

**Карим Зарипов** — "Даракчи" газетаси мухбири.

